

---

## Туман ҳокимининг навбатдаги қабули ўтказилди

**Бугун, 14 октябрь куни туман халқ қабулхонасида туман ҳокимининг навбатдаги қабули ўтказилди. Унда жисмоний ва юридик шахслар ўз масалалари юзасидан бевосита туман ҳокими С. Солиевга мурожаат қилишди.**

Бугунги қабул туман ҳокимининг қабулхонасида ўтказилди. Унда тумандаги Риштон туман Халқ қабулхонаси мудирини С.Додобоев ва барча мутасадди корхона ва ташкилотлардан масъул вакиллар иштирок этишди.

Қабул давомида фуқаролардан турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатларнинг аксарият кўпчилигини ўқув кредити тўловлари ер-жой ажратиш, унга кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек моддий ёрдам билан боғлиқ мурожаатлар ташкил этмоқда.

Туман ҳокимиغا билдирилган ҳар битта мурожаатнинг ижроси юзасидан тегишлилиги бўйича жойига бориб ўрганиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Мурожаатлар ижроси юзасидан шу ҳафта якунига қадар мурожаат эгасига ва туман ҳокими С. Солиевга ёзма маълумот тақдим қилиш лозимлиги белгилаб олинди.

Бугунги қабулда 27 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 4 таси жойида ҳал этилди. 13 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берилди. 10 та мурожаат назоратга олинди.

2021-10-14 16:40:40